


«Дин насихатдир» китоби қайта нашр этилди



15:06 / 23.04.2018 4440

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «**Дин насихатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломининг ҳуснидандир**» деб номланган китоблари.

МУҚАДДИМАДАН

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салаотлар ва дурудлар бўлсин!

«Ислоннинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиламининг биринчи ва иккинчи рисолаларида Мужтаҳид уламолар томонидан Ислоннинг мадори деб тан олинган Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккита ҳадиси шарифларини имконимиз борича ўрганган эдик. Ушбу рисолада Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда аввал бошлаган ишимизни баҳоли қудрат давом эттириш ниятидамиз. Бу ожизона ишимизда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

«Ислоннинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг аввалги икки рисоласида «Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир» ва «Ҳалол очиқ-ойдиндир» ҳадислари ба қадри имкон шарҳ қилинди. Мазкур икки ҳадиси шариф ҳам ўзида мусулмон банда ҳаётининг жуда кўп соҳаларини қамраб олгани учун уларда фикҳ, руҳий тарбия ва бошқа соҳаларда сўз юритишга тўғри келди. Жамият ҳаётидаги турли ҳолатларга оид масалалар юзасидан баҳслар олиб борилди. Ушбу рисоламиндан ўрин оладиган ва сиз азизлар билан бирга ўрганмоқчи бўлиб турган ҳадиси шарифлардаги баҳс юритиладиган мавзулар аҳамият жиҳатидан аввалги икки ҳадиси шарифнинг савиясига яқин бўлса ҳам, қамров жиҳатидан ҳар бир ҳадиснинг мавзуси билан чекланади. Мисол учун, ушбу рисоладаги биринчи ҳадис насиҳатга, яъни холисликка бағишланган. Бошқалари ҳам шунга ўхшаш.

Кўпчилик катта имомлар, муҳаддислар ва мужтаҳидлар Ислоннинг мадори деб атаган ҳадиси шарифлардан бири қисқача қилиб «Дин насиҳатдир» деб номланади. Мазкур ҳадиси шарифнинг матни қуйидагича:

Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломнинг хуснидандир»

Нашриёт: «Hilol» нашриёт-матбааси

Сана: 2018 йил

Ҳажми: 176 бет

ISBN: 978-9943-4448-5-0

Ўлчами: 84×108 1/32

Муқоваси: юмшоқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йилдаги 8213-сонли ҳулосаси ила чоп этилган.

МУНДАРИЖА

Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоли

Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг ҳадиси ривоятлари

«Насиҳат» сўзининг маъноси ва таърифи

Насиҳат ҳақидаги оятлардан

Насиҳат ҳақидаги ҳадислардан

«Дин насиҳатдир» ҳадиси шарҳининг давоми

Жаброил ҳадиси

Насиҳат ким учун?

Аллоҳ учун насиҳат

Аллоҳнинг Китоби учун насиҳат

Аллоҳнинг Расули учун насиҳат

Мусулмонларнинг имомлари учун насиҳат

Мусулмонлар оммаси учун насиҳат

Насиҳатнинг аҳамияти

Насиҳат талаб қилиш

Насиҳатнинг вожиблиги

Фарз ва нафл насиҳат

Насиҳат одоблари

Насиҳат қилувчининг одоблари

Насиҳат қилинувчининг одоблари

Насиҳат тинглаш одоблари

Насиҳатга амал қилишнинг фойдаси

Қул хожасига насиҳат қилса

Набавий насиҳатлардан намуналар

Улуғ зотларнинг насиҳат ҳақида айтган гапларидан намуналар

Насиҳатнинг фойдаларидан

Иккинчи ҳадис

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари

«Киши Исломининг ҳусни» ҳадиси ҳақида уламоларнинг фикрлари

«Киши Исломининг ҳусни» ҳадисининг шарҳи

Киши Исломининг гўзал

бўлиши нимани тақозо қилади?

Аллоҳдан ҳаё қилиш мақоми

Аллоҳдан ҳаё қилиш нимани тақозо қилади?

Аллоҳдан ҳаё қилишнинг бардавомлиги

Беҳуда ишларни тарк қилиш киши

Исломининг ҳуснидандир

Тил офатлари

Каломнинг офатлари

Фатво сўраш одоблари

Оз сўзлаш киши Исломининг гўзаллигидандир

Киши Исломининг гўзал бўлиши барча турдаги аҳамиятсиз нарсаларни тарк этиши биландир

Исломи гўзал бўлганларнинг мукофотлари

Хулоса

Амалдан кейин ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти

Тошкент шаҳри: (+998 71) 216 29 27

Тошкент, Чорсу (+998 91) 134 82 88

Тошкент, Шайхонтоҳур (Кўкча) (+998 97) 7552370

Наманган шаҳари: (+998 90) 322 25 22

Андижон шаҳри: (+998 90) 2110574

(илтимос код билан теринг!)

Марғилон шаҳри: (+99895) 401 49 03

Самарқанд шаҳри: (+99891) 522 44 99

Денов шаҳри: (+99893) 5035694

Ургенч шаҳри: (+99891) 4210010

www.hilolnashr.uz

(Иш вақти 09:00 - 17:00)